



ISSN 2410-3586

УЧЁНЫЙ XXI ВЕКА

научный журнал



6-2
2017



УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА

международный научный журнал

№ 6-2 (31), июль 2017 г.

Редакционная коллегия

*А.В. Бурков, д-р. экон. наук, доцент (Россия), главный редактор.
Е.А. Мурзина, канд. экон. наук, доцент (Россия), технический редактор
В.В. Носов, д-р. экон. наук, профессор (Россия),
О.Н. Кондратьева, д-р. фил. наук, доцент (Россия),
Т.С. Воропаева, канд. психол. наук, доцент (Украина),
К.В. Дядюн, канд. юрид. наук, доцент (Россия),
У.Д. Кадыров, канд. психол. наук, доцент (Узбекистан),
Т.В. Ялялиева, канд. экон. наук, доцент (Россия),
Н.В. Щербакова, канд. экон. наук, доцент (Россия),*

*Учредитель:
ООО «Коллоквиум»*

*Издатель:
ООО «Коллоквиум»*

*Адрес редакции:
424002, Россия, Республика Марий Эл,
г. Йошкар-Ола,
ул. Первомайская, 136 «А».
тел. 8 (8362) 65-44-01*

Редактор: Е. А. Мурзина

Дизайн обложки: Студия PROекТ

Распространяется бесплатно.

Дата выхода: 15.06.2017.

*Полное или частичное воспроизведение материалов,
содержащихся в настоящем издании, допускается
только с письменного разрешения редакции.
Мнение редакции может не совпадать с мнением
авторов.
Статьи публикуются в авторской редакции.*

uch21vek@gmail.com

Сетевое распространение на <http://www.uch21vek.com>

© ООО «Коллоквиум»

УДК378

АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ КОМИЛ ИНСОН ҲАҚИДАГИ ЎЗИГА ХОС ҚАРАШЛАРИ

Ф.К. Исканджанова¹, С.М. Тилляходжаев²

Summary

This article presents information about definition of “ideal person” given by our descendants which has been being dilemma for a long time. There are information about ideal person and factors that influence on his development.

Keywords: descendants, ideal person, Avesto, spirituality, conception, civilization, intensification, materialism, idealism, archicortex, paleocortex, neocortex.

Комил инсон муаммоси инсониятнинг азалий эзгу нияти бўлиб, ижтимоий-тарихий тараққиёт даврининг барча босқичларида ўзининг бирламчилиги, ўта долзарблилиги билан алоҳида ижтимоий, маънавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий аҳамият касб этиб келган. Маънавий меросимиз бўлмиш “Авесто”дан бошлаб комиллик масаласи тақиқот предметига айланган ва бу нарса то ҳозирги давргача кишилик дунёсининг серкирра олимларини, маърифатпарварларини чуқур қизиқтириб келган ҳамда унинг бетакрор нуфузи бундан кейин ҳам асирлар оша шахслар ақл-заковатининг марказидан пухта жой эгаллаганича қолаверади.

Шуни алоҳида такидлаб ўтиш жоизки, табиат билан жамият ўртасида ҳукм суриб турувчи алоқалар ва муносабатларни амалга оширувчи, унинг (табиатнинг) неъматларини тартибга келтиришда фаол иштирок этувчи онгли мағрур зот ҳамда оламнинг сирлари, ажойиботларини тушунишга интилувчи юқори савияли, юксак даражага эришувчи, бетакрор комил инсон масаласи ҳар бир давр учун ўта аҳамиятли, қийматли ҳисобланган.

Маънавият ва маърифат масаласи давлат сиёсатининг диққат марказида турганлиги тарихийлик тамойилига бевосита асосланган ҳолда нарса ва ҳодисаларга тўғри ёндашиш, уларни оқилона, одилона, омилкорлик билан эксперт баҳолаш, сохта талқиндан, бузилган таҳлилдан батамом тозалаш, теран фикрлар, донишмандлик маҳсуллари сарчашмаларидан халқимизга маънавий озуқа бериш умумбашарий воқеълик тантанасига айланади.

Энг камида уч минг йиллик ёзма илмий-тарихий манбага эгалик, ҳукмронлик қилган аждодларимиз жаҳон маданиятига (цивилзациясига) салмоқли ҳисса қўшганликлари юзасидан кўплаб илмий асарлар яратилган ва изланишлар ҳозир ҳам жадал суръатда давом эттирилмоқда. Аммо биз Ўрта Осиё Уйғониш даври ва ундан кейинги асрларда ижод этган алломалар, даҳолар таълимотини таҳлил қилмоқчи эмасмиз, бинобарин эзгу ниятлар халқ ижодиёти, амалиёти моҳияти билан қоришиб кетган кадриятларнинг илмий илдизини очишга ҳаракат қиламиз, холос.

Аждодларимиз инсоннинг комиллика эришиш босқичлари, манбалари, асослари, омиллари, механизмлари юзасидан кенг қўламли мулоҳазалар юритиш билан кифояланиб қолмасдан, балки уни ҳаракатлантирувчи кучи, объектив (табiiй) ва субъектив (шахсга оид) шарт-шароитлари ҳақида ҳам илмий-амалий хусусиятга эга бўлган ғояларни яратганлар ва атрофлича таҳлил қилишга ҳаракат қилганлар. Аждодларимизнинг вакиллари қайси таълимотга (диний ёки дунёвий) ва илмий мукамаллика (илмий мактабга, назарияга) асосланганлигидан қатъи назар, амалиёт-ҳақиқат мезони эканлигидан келиб чиққан ҳолда, унинг бирламчи, устивор мезон, ўлчам сифатида миллий ўзликни англашнинг суръатини тезлаштириш учун ўрганилишга лойиқдир.

¹Исканджанова Ферузахон Камолитдиновна – преподаватель, Ташкентская медицинская академия, Узбекистан.

²Тилляходжаев Санжархужа Музаффаруллаевич –врач-стоматолог, Ташкентский стоматологический институт, Узбекистан.

Организмнинг мўтадил равишда ишлаши инсоннинг барча рухий ҳолатлари, ҳодисалари, хусусиятлари, хислатлари, механизмлари, қонуниятлари, шунингдек, акс эттиришнинг имконияти, ҳулқ-атвори, турлича фаолият кўринишлари кечишини мақсадга мувофиқ амалга оширишни таъминлаб туради. Модомийки шундай экан, функция (физиологик ҳолат сифатида), яъни аъзоларнинг ўзаро мувофиқлашган тарзда ҳаракат қилиши бирламчи, унинг ўзагида инъикос этиш имкониятининг муайян даражалари, босқичлари, фазалари ҳамда ўзаро таъсири (интерфаол), узатув (коммуникатив), перцептив (стереотиплик), индентификацион (рефлексив), интериоризацион, экстрериоризацион вазиятлари, экстраполяция шакллари, микро, макро ҳамда мизе муҳитларга кўчиши кўп жиҳатдан таъкидлаб ўтилган бирламчиликка боғлиқ. Маълумки, тана аъзоларининг функционал хусусиятлари уларга келиб тушадиган озукалар сифати, тузулишига, қабул қилиш муддатига, бошқача сўз билан айтганда, нутратив (ички) ҳолатлар мажмуасига боғлиқ бўлиб, муаян мезонлар, меъёрлар риюя қилинган ҳолдагина мўтадил ишлаши мумкин, холос. Ижтимоий-тарихий тарққиёт давомида инсонларнинг организмларида у ёки бу тарздаги ўзгаришлар юз бериб келмоқда, бунинг натижасида уларнинг катталашуви ёки кичиклашуви, пишиқлашуви ва заифлашуви билан антропогенетик, фенотипик, морфологик, конституционал тузулишларга маълум таъсирини ўтказди. Организмнинг таркибларини юзага келтувчи моддалар (зарачалар) нисбатининг (архикортекс, палеокортекс, ноокортекс қисимлари орасидаги муносабат камайиши ёки ортиши) табиий равишда ўзгариши уларнинг тириклик сиғими, ташқи таъсирларга чидамлилиги (мўртлиги), функцияси, яъни ташқи тузилишининг ўзига хос томонларини келтириб чиқаради. Биосфера билан ноосфера ўртасидаги узликсиз равишдаги алоқаларнинг мавжудлиги бир текис, муайян қонуният асосида ҳаракатланиш билан бир қаторда нотекс (ғайритабиий, хаотик) ҳаракатлар ҳам амалга ошиб турилишлигини илмий жиҳатдан тан олиш зарур эканлигини тақозо этмоқда. Аждодларимиз осмон жисмлари ҳаракатини кузатиб у ёки бу тарздаги фалоқиёт илми-мўъжизаси туғрисидаги башорат қилишлари негизида ҳам қандайдир эмас, балки аниқ, амалий кузатишлар маҳсули маълум давр ва даврийлик қонунияти асосида ҳаракатланишнинг ҳам сабаби, ҳам оқибати мужассамлашганлигидан далолат беради. Мунажжимларнинг башоратлари мутлоқ ҳақиқат бўлмасада, лекин уларнинг мазмунида маълум даражада оқиллик, аждодлардан авлодларга ворислик сифатида ўтувчи ижтимоий, илмий-амалий тажриба ётишини унутмаслик жоиз. Хурофот тариқасида ҳар қандай ғояни танқид қилишдан осон йўл йўқ, аммо инкор сиёсий, синфий ёриқлар асосида қурилиши ижтимоий тараққиёт, ижтимоий маданият учун салбий оқибатларни олиб келади, жадаллик ўрнини тўхталиш эгаллайди, натижада илмий ғоялар баҳси эски қолипдаги измларнинг (материализм ва идеализм) муросасиз кураши талқини билан ўрин алмашиш хавфи туғилади. Бундай нохуш илмий сафсаталарнинг олдини олиш учун ижтимоий-тарихий тараққиёт даврида инсоният томонидан тўпланган хилма-хил қарашлар, ёндашишлар, талқинлар, тавсифлар, таълимотлар, стереотиплар, ҳуллас барча маънавий бойликларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш орқали омилкор томонларини топиш ва улардан одилона фойдаланиш даркор. Шу мулоҳазали фикрни такрор-такрор таъкидлаш жоизки, табиатдаги хоҳ қонуний, хоҳ ғайритабиий (хаотик) ҳаракат бўлишидан қатъи назар, биосферага ҳар хил заррачалар, моддалар борлиқ бўйича кенг тарқалиши, осмон жисмларининг ўзаро бир-бирига яқинлашуви ҳаддан зиёд ҳарорат кўтарилиши, иссиқликнинг меъёридан ортиқча тақсимланиши, нурлар кўпайишига олиб келиши, уларнинг оқибатида табиий оқибатлар пайдо бўлиши мумкин. Худди шу боисдан, аждодларимизнинг маънавиятида ўзи учун зарур омилларини ва бетакрор шахсларни бир асрда ёки ундан ҳам ортиқ даврда яратади, деган башорат қуруқ мушоҳада эмас, балки табиатдаги ўзгаришлар, муносабатлар, мувофиқликлар, мурожаатлар, инсон камолати учун энг қулай моддалар билан таминлаш туғрисидаги (унинг мағзидаги) табиий майл, лаёқат, истеъдод, иқтидор, салоҳият кабиларнинг бақувват, ҳаракатчан нишонлари, аломатлари имконияти юзасидан илмий ғоя ётади. Шунинг учун халқ, этнос, улус ўртасида дохий, даҳо

хар куни туғулмайди, балки унга нисбатан жуда кучли эҳтиёж сезилгач, идтимоий зарурият устуворлик қилганда, эволюцион қонуният эса имкон берганда, вазият тақозоси билан ихтиёрсиз равишда содир бўлади.

Аждодларимиз фарзанд туғилиши лаҳзасида, кунига, ойига, йилига, ҳафтасига, мавсумига, ота-онанинг ёшига қатъи аҳамият берганлар. Шунингдек, поклик, ҳалоллик фарзандлар камолати учун муҳим негиз эканлиги аждодларимиз таълимотининг устувор йўналиши ҳисобланади. Улар комиллика турлича талкин беришларига қарамай, негизида энг муҳим ва асосий учта мезон ётиши (жисмоний, ахлоқий, ақлий) тан олинади, лекин уларга эришиш йўл-йўрик ва воситалари айирича эканлиги таъкидлаб ўтилади.

Адабиётлар

1. Болотова А.К. Прикладная психология. – М.: Гардарики, 2006, С 284.
2. Визел Т.Г. Основы нейропсихологии. –М.: 2000, С 241.
3. Каримова В. Тарғиботнинг психологик услублари. Масъул муҳаррир: М.Қуронов. – Т.: “Маънавият”, 2001. – 16 б.
4. Васи́ла Каримова. Саломатлик психологияси. –Т.: 2005, 78 б.
5. Ғозиев Э.Ғ. Тафаккур психологияси. –Т.: 1990, 112 б.

© Ф.К. Исканджанова, С.М. Тилляходжаев, 2017

УДК 378

ПРОБЛЕМА «ИДЕАЛЬНОГО ЧЕЛОВЕКА»

Ф.К. Исканджанова, С.М. Тилляходжаев

Аннотация. В этой статье рассматривается проблема «идеального человека», которая интересовала и наших предков. В данной статье приводятся данные об идеальном человеке и факторы, влияющие на его развитие.

Ключевые слова: предки, идеальный человек, Avesto, духовность, концепция, цивилизация, интенсификация, материализм, идеализм, archicortex, палеокортекс, неокортекс.

© Ф.К. Исканджанова, С.М. Тилляходжаев, 2017